# ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ФОРУМИ

**Пойтахтимизда давом этаётган «Марказий Осиё саноат ҳафталиги – Central Asian Industrial Week» халқаро форуми доирасида «Энергетика 2010: инновациялар, ечимлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.**





«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» ихтисослаштирилган бирлашмаси, «ITE Uzbekistan», «I.T.E. Exhibition & Conferences Ltd.» (Буюк Британия) сингари компаниялар ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда қарийб йигирма мамлакатдан юзга яқин олим ва мутахассис иштирок этди.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси энергетикани ривожлантириш истиқболлари бошқармаси бошлиғи Р.Ортиқов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари, жумладан, энергетика саноатини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Юртимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш борасида салмоқли муваффақиятларга эришилмоқда.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси 54 корхона ва ташкилотни ўзига бирлаштирган. Компания томонидан 2011 йилгача ўз корхоналари, хўжалик субъектлари ва маиший истеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий этиш кўзда тутилган. Компаниянинг «2011-2015 йилларда электр-энергетика тармоғини устувор ривожлантириш» дастурига асосан энергияни тежаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергия ишлаб чиқаришдаги янги технологияларни жорий этиш ва соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Жанубий Кореянинг «Doojin» компанияси билан ҳамкорликда Чорвоқ сув омбори ҳудудида баландлиги қирқ метрга тенг анемометрик мачта қурилди. Қурилманинг ишга туширилиши билан йилига қўшимча равишда соатига 2,3 миллион киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу йилига етти юз минг куб метр табиий газни тежаш имконини беради.

Айни пайтда «Ўзбекэнерго» Европа қўмитасининг «Электр стандартларни уйғунлаштириш» халқаро лойиҳасида фаол иштирок этмоқда. Лойиҳага кўра, мамлакатимиз электр-энергетика соҳасида иқлим шароитимизга мос техник регламентлар ва тегишли стандартлар ишлаб чиқилади. Бу юртимиз электр-энергетика тармоғини янада ривожлантиришга ва электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш борасида хавфсизликни оширишга хизмат қилади.

Конференцияда «Ўзбекэнерго», «Ўзсувэнерго» ва Россиянинг «Neuhaus» каби энергетика компаниялари раҳбарлари ва мутахассисларининг энергетика саноатини ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сармоя жалб қилишга доир маърузалари тингланди.

Анжуманда қайд этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон энергия тизими иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз аҳолисининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб, уни экспорт қилаётир. Электр энергетикаси соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жаҳон энергия ресурслари бозорига дадил кириб бораётган мамлакатимиз ёқилғи-энергетика тармоғини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

– Компаниямиз электр-энергетика объектларини автоматлаштириш ускуналарини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади, – дейди ЎзА мухбирига Россиянинг «Энергосоюз» ЁАЖ маркетинг ва реклама департаменти менежери Виталий Траулько. – Ўзбекистонлик шерикларимиз билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Тошкентда ўтаётган «Марказий Осиё саноат ҳафталиги – Central Asian Industrial Week» халқаро форуми ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон энергетика соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар билан танишдилар.

**Нодира МАНЗУРОВА**

**Тошкентда бошланган АКТ-2010 ҳафталиги доирасида халқаро телекоммуникация бўйича семинар бўлиб ўтди.**

**АКТ-2010 ҳафталиги**

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ БЎЙИЧА СЕМИНАР

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жамиятимизнинг барча жабҳаларига жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг телекоммуникация бозори жуда жадал ривожланаётгани боис соҳада фаолият кўрсатаётган етакчи компаниялар ҳамда энг янги ишланмаларни ўзига кенг жалб қилмоқда. Халқаро бизнес-марказида бўлиб ўтган семинар бунга мисолдир.

– АКТ ҳафталиги саккизинчи маротаба ўтказилмоқда, – деди ЎзА мухбирига Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Асрор Эшонхўжаев. – Бундай семинар ҳафталик доирасида илк бор ташкил этилди. У кенг жамоатчиликни энг сўнгги инновация ишланмалари билан таништиришга қаратилган.

Семинар доирасида ахборот-коммуникация технологияларида кенг полосали мобиль фойдаланишни жорий қилиш, коммуникация соҳасидаги янги трендлар, жамоат хавфсизлиги ва темир йўллар масалаларининг замонавий ечимлари, тармоқнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирига оид маърузалар тингланди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК БРИТАНИЯ: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг 19 сентябрь куни Нью-Йоркка сафари давомида Буюк Британия пойтахти Лондонда тўхтаб ўтди ҳамда «Британия-Ўзбекистон» жамияти раиси, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгаши ҳамраиси Ҳартли Бут ва «Британия-Ўзбекистон» умумпартиявий парламент гуруҳи раиси Жон Вейверли билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга, парламентлараро алоқаларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлган учрашувда томонлар парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Буюк Британия Парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳи ҳамда Буюк Британия Парламентининг «Британия-Ўзбекистон» умумпартиявий гуруҳи ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат мамлакатларимиз ўртасида парламентаризм алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни жадал тараққий эттиришни кўзда тутади.

– Парламентаризм соҳасидаги ўзаро алоқаларимиз изчил ривожланмоқда, – деди ЎзА мухбирига Жон Вейверли. – Бир неча кун аввал Президент Ислом Каримов билан учрашиш шарафига муяссар бўлганимдан жуда мамнунман. Учрашув чоғида давлатингиз раҳбари парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва бу борадаги ўзаро мулоқот ва тажриба алмашувини фаоллаштириш зарурлигини қайд этди. Бугун имзоланган ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни, хусусан, парламентаризм йўналишидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Буюк Британия Парламентининг «Британия-Ўзбекистон» умумпартиявий гуруҳи делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан ҳам музокара ўтказди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Ирода УМАРОВА**

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

# ЁШЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ



**Юртимизда ёшларнинг билимли, жисмонан бақувват, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб камол топиши учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли ишларни бажаришда шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ҳам ташаббус кўрсатиб келмоқда.**

Ёшларнинг камолотига эътибор қаратиш тармоқ касаба уюшма кенгаши фаолиятининг муҳим йўналишларидан бўлиб, айниқса Баркамол авлод йилида ўғил-қизларни миллий қадриятларимизга чуқур ҳурмат, буюк келажакка ишонч руҳида тарбиялаш, улар орасида маънавий-маърифий ишларни мунтазам ва юксак савияда олиб бориш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Республика иккинчи тиббиёт коллежида Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам ёшлар қалбига ватанпарварлик руҳини, миллий урф-одатлар, қадриятларга ҳурмат ва муҳаббатни чуқур сингдиришдан иборат бўлди.

Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти, тиббиёт коллежларнинг аълочи ва жамоат ишларида фаол талаба ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда улуғ алломаларимизнинг жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшганлигини, ҳар қанча фахрлансак арзигулик она-Ватанимизга меҳр-муҳаббат, буюк келажакка комил ишонч билан яшаш даркорлиги алоҳида таъкидланди. Ўқувчи ёшларнинг билим олиши, маънавий жиҳатдан тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлар, айниқса ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида ўқув даргоҳларида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз борди.

Айтиш жоизки, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши томонидан олий ўқув юртларида таълим олаётган аълочи ва жамоатчи талабаларга махсус стипендия ажратиш хайрли анъанага айланган. Мазкур тадбирда Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Тиббиёт-педиатрия институтининг талабаларига шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг стипендианти гувоҳномаси тантанали равишда топширилди.

— Мен бундай ишончга эришганимдан беҳад хурсандман. Шифокорлар оиласидан бўлганим боис бу соҳага меҳр қўйдим. Танлаган касбимни мукаммал эгаллаш, инсонларни даволашда билим олиб, куч-ғайратимни аямасдан юртимга наф келтиришни ният қилдим. Изланилса, меҳнат қадрланишини дилдан ҳис этдим, — дея самимий дил изҳорларини билдирди Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтининг иккинчи босқич талабаси Гулнора Пирназарова.

— Биз барча шароитлар яратилганлигидан ҳар қанча фахрланса арзийдиган улуғ Ватаннинг фарзандларимиз. Буюк бобокалонларимизга муносиб ворис бўлишимиз, олдимизга катта мақсад қўйиб, билим чўққиларини эгаллашимиз даркор, — деди Тошкент Тиббиёт академиясининг бешинчи босқич талабаси Фарҳоджон Усмонов.

Ёшларнинг ғайрат-шижоати, илмга интилиши, меҳнатни ардоқлаши, келажакка қатъий ишонч билан қараши албатта ҳаммамизга ғурур бағишлайди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

**Иқтисодиёт**

# БУЮРТМАЧИЛАР САФИ ОРТМОҚДА

**«Westone Aziya» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлик кўлами йилдан-йилга ошиб бораётган республикамизда импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёларига талабни ҳисобга олган ҳолда иш юритмоқда.**

Ўтган йили фаолиятини бошлаган корхонада бетон плита, бордюр тошлар, блоклар ишлаб чиқарилади. Ҳозирда бу ерда 12 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Замонавий технологик жараёнлар, самарали дастгоҳ ва ускуналар қувватидан фойдаланган ҳолда улар йигирма йиллик хизмат муддатига кафолат билан маҳсулот тайёрлашади.

Қурилиш материаллари сифати ва рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Уларни ишлаб чиқаришда халқаро андозалар асос қилиб олинади. Пресслар бетонлаш ашё сифатида қўлланилади. Ушбу технология ҳозирча республикада ягона бўлиб, уни қўллаш орқали маҳсулот сифати тўлиқ таъминланмоқда.

«Westone Aziya» корхонаси маҳсулотларига талаб ортиб, буюртмачилар сафи ҳам сезиларли ортиб бормоқда.

# ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

**2009 йилдан фаолият кўрсатаётган «Digusto» масъулияти чекланган жамияти ҳам ички бозоримизни доимий ўрганиш, изланиш асосида тадбиркорлик билан иш юритаётган жамоалар сирасига киради.**

Корхона замонавий технология асосида майонез, кетчуп ва хантал ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— Маҳсулотларни тайёрлашда илғор технологиялардан фойдаланамиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Денис Ровенский. — Қадоқлашга ҳам алоҳида эътибор берилади. Айтмоқчиманки, маҳсулот экологик тоза хом ашё қўллаб тайёрланган идишларга қадоқланиб, савдога чиқарилиши унинг харидоргирлигини тўла таъминламоқда.

15 нафар малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада кундалик юмушлар билан бир қаторда изланишлар ҳам давом этмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Пойтахтимизда Халқаро молия корпорациясининг (ХМК) Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш лойиҳаси якунларига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Халқаро молия корпорациясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Зафар Ҳошимов юртимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларини, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Иқтисодиётни тараққий эттиришда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда молиявий институтларни қўллаб-қувватлаш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмак бериш Халқаро молия корпорацияси фаолиятининг муҳим йўналишларидан. Ўзбекистон ҳам бу борада мазкур корпорация билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу субъектлар учун муайян солиқ ва кредит имтиёзлари, преференциялар жорий қилинган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулайликлар кўлами янада кенгайтирилди.

Халқаро молия корпорациясининг Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича 2001-2010 йилларга мўлжалланган лойиҳасида мамлакатимиздаги 1280 корхона ва 143 нафар якка тартибдаги тадбиркор иштирок этди. Ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида юртимизда корхоналарни рўйхатга олиш, бизнес учун лицензия ва рухсатномалар бериш тартибини янада соддалаштиришга, бизнесни ихтиёрий тугатиш жараёнини тартибга солишга, корхоналарнинг солиқ юкини камайтиришга эришилди.

Халқаро молия корпорацияси ҳисоботида Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга экани, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш борасида улкан ютуқларга эришилгани алоҳида таъкидланган. Қайд этилганидек, ХМК келгусида мамлакатимиз билан яна кўплаб йирик қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятида.

**(ЎзА)**

**Пойтахтимизда «Нейрохирургиянинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».**

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда нейрохирургия йўналиши бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, янгиликлар, ишлаб чиқилаётган услуб ва изланишлар самарасини муҳокама этиш, мавжуд муаммолар таҳлилига бағишланган тадбирда соҳа мутахассислари, олимлар ҳамда Екатеринбург шаҳридан келган профессорлар иштирок этди.

Анжуманда мутахассисларнинг маърузалари тингланиб, мавзулар юзасидан муҳокамалар ўтказилди. Секцияларга бўлинган ҳолда тингланган маърузаларда асосан ёш олимларнинг янгича изланишлари, соҳада олиб бораётган тадқиқотларига эътибор берилди.

Тадбир доирасида ўтказилган «Ёш олимлар» ҳамда Баркамол авлод йили муносабати билан нейрохирургия соҳасида олиб борилаётган янги услубларга бағишланган маърузалар танловларининг ғолиблари аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

**Наргиза АСАДОВА**

